Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 45 (6935). ● 6 март, 1979 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАН

1979 йил 4 март, якшанба куни ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов бўлиб ўтди.

Шу куни Москвада, Союзлар уйида СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мамлакатда овоз беришнинг бориши тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Совет Иттифоқининг бутун территориясида сайлов маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан бошланиб, кечқурун соат 10 гача давом этди.

Марказий сайлов комиссиясига келган маълумотларга қараганда кундуз соат 12 гача сайловчиларнинг 88,20 процента, кечқурун соат 6 гача 99,58 процента овоз бериб бўлди. Кечқурун соат 6 гача олинган маълумотга қараганда овоз беришда РСФСРда — сайловчиларнинг 99,34 процента, Украина ССРда — 99,91 процента, Белоруссия ССРда — 99,81 процента, Ўзбекистон ССРда — 99,99 процента, Қозогистон ССРда — 99,89 процента, Грузия ССРда — 99,85 процента, Озарбайжон ССРда — 99,99 процента, Литва ССРда — 99,86 процента, Молдавия ССРда — 99,52 процента, Латвия ССРда — 99,51 процента, Қирғизистон ССРда —99,94 процента, Тожикистон ССРда — 99,63 процента, Арманистон ССРда — 99,78 процента, Туркманистон ССРда—99,72 процента, Эстония ССРда — 99,77 процента овоз берди.

СССР Олий Советига сайлов ҳамма жойда уюшқоқлик билан, сайловчиларнинг юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтди. Сайлов партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини, социалистик демократия тантанасини намойиш қилди. (ТАСС).



КАЛИНИН районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари ҳозиргача 8,5 миллион дона карам, помидор, қалампир ва бошқа эртаки сабзавот кўчатларни етиштирдилар. Сабзавот кўчатлари полиэтилен плёнкаси билан ўралган енгил типдаги теплицаларда етиштирилаётганлиги учун уларнинг таннарҳи арзонлашмоқда. Суратда: хўжаликнинг илғор аъзолари Мавлуда Деҳқонбоева, Саноат Ҳайдаровалар сабзавот кўчатларини экишга ҳозирламоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. [ЎзТАГ].

ГЎШТ, СУТ КЎПАЯДИ

Оддий чўпон, Октябрь революцияси ордени кавалери Маҳкам Иброҳимовни хўжаликда ҳамма танийди. У кўп йиллардан бери отарларда қўй боқиб чўпонлик касбини эъзозлаб келяпти. Моҳир чўпон бу йил ўз боқимидаги салкам 700 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан соғлом қўзи олишга аҳд қилган.

Бундай илғорлар Оҳангарон районидаги «Тошкент» от заводида оз эмас. Район советининг депутати Нури Ашурбоева хўжаликнинг Куйбишев номли бўлимида соғувчи бўлиб ишлайди. Коммунист чорвадор ўтган йили ўз боқимидаги ҳар бош сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олди. У меҳнат қилаётган сут-товар фермасида беш коммунист бор. Партгруппа ташкилотчиси Карима Фармонова уларга бош. Ҳар бир коммунист ишлаб чиқариш топшириғини бажариш билан бирга жамоат топшириғини ҳам сидқидилдан адо этмоқдалар.

Ферма мудири Ў. Эшбоев ғоявий-сиёсий ишларни олиб боряпти. Соғувчи С. Ҳакимбоева эса агитатордир.

Коммунист чорвадорлар ҳиссаси билан хўжаликда маҳсулот етиштириш йил сайини кўпайиб бормоқда. Ўтган йили давлатга пландаги 320 тонна ўрнига 378 тонна гўшт, 1890 тонна ўрнига 2115 тонна сут топширилди.

Совхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди. Бу йил коллектив олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир бутун эътибор янги марраларни эгаллашга қаратилган. Бу курашда коммунистлар активлик кўрсатишяпти. Улар ҳозир қўзилатиш кампаниясини намунали ўтказишга интилмоқдалар.

О. ХУШНАЗАРОВ, Т. ЖУМАНОВ.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛАР СПРАВОЧНИГИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталбиологияси институтининг олимлари шу илмий муассаса коллекциясида йиғилган ғўза намуналари каталогини тайёрлаб нашр этдилар. Унда селекция ишлари учун истиқболли ғўзанинг 400 дан ортиқ хили баён қилинган.

Табиатда 36 тур ғўза борлиги маълум, шулардан ҳозирча тўрттасигина маданийлаштирилган. Шуларнинг ҳар бирида кўпдан-кўп ҳар хил ёввойи, ярим ёввойи ҳамда маданий формалар ва навлар мужассамлашган.

Каталог тузувчилар жаҳон ғўза коллекцияси тарихи, биологияси, классификацияси ва ундан амалий селекцияда фойдаланиш масалаларини кўриб чиқмоқдалар. Ҳозирги пахтачилик навларга қўлётган талаблар мавқеидан туриб баён этилган формаларнинг биологик ва хўжалик сифатларига муфассал баҳо берилган.

(ЎзТАГ мухбири).

110 ЦЕНТНЕРДАН «ҚАҲРАБО ДОН» ЕТИШТИРАМИЗ

ЯҚИНДА Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети илғор маккажўхорикорларнинг ватанпарварлик ташаббусини ижодийлик билан маъқуллади.

Республикамиз маккажўхорикорларининг очиқ хатида таъкидланишича, маккажўхори — дон проблемасини ҳал этишда энг асосий резервлардан биридир. Чунки илғор деҳқонлар астойдил меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 100 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олиб, дон-га-дон қўшмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1973 йилда Ўзбекистон ёш маккажўхорикорлари кенгашининг қатнашчиларига йўллаган хати ҳаракатимизнинг программаси бўлиб қолди. Шунинг учун колхоз ва совхозларда «қаҳрабо дон»дан юқори ҳосил олиш учун кураш кенг жабҳа бўйлаб авж олиб кетди.

Жумладан, бизнинг колхозда Раҳмат Ортиқов бошлиқ маккажўхорикорлик звеноси ташкил этилиб, звено аъзолари 100 центнерчилар ҳаракатига қўшилдилар. Зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилмоқдалар.

Звенода 40 гектар ер бор. Раҳмат Ортиқов тракторчи, Собит Обидов сувчи, Файзибой Хайитбоев, Карим Юсуповлар ўғит тайёрловчи бўлиб меҳнат қилишади. Бу звенода ҳар бир ишловчига 10 гектардан ер тўғри келади. Шунга қарамай барча агротехника тадбирлари энг қулай муддатларда сифатли бажарилмоқда. Асосий ишлар механизмлар ёрдами билан амалга оширилаётир. Звено ихтиёрида чопиқ трактори, сеялка, жўхори экадиган иккита комбайн, силосни ўриб майдалайдиган машина ва бошқа механизмлар мавжуд. Маккажўхорикорлар айни кунларда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриб, барча машиналарни тўла ремонтдан чиқариб қўйишди.

Кузда колхоздаги барча экин майдони, шу жумладан, звенонинг ер ҳам шудгор қилинган. Шудгордан олдин ҳар гектарига 500 килограммдан калий ва фосфор солинди. Ер икки ярусли плуг билан 40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди.

Звенода ҳар йили об-ҳаво шароитига, тупроқнинг етилишига қараб маккажўхорини 25 мартгача экиб олиш, расм бўлиб қолди.

Колхозимизда ВИР-338 навли маккажўхори экилиб, ҳар гектар ердан 48—50 мингтадан кўчат сақлаб қолинмоқда. Илгари маккажўхори униб чиққач белгиланган миқдорда кўчат сақлаб қолиш учун ягана қилинарди. Кейинги вақтда уруғ уяларга белгиланган миқдорда ташлайдиган сеялка билан экила бошланди. Шу туфайли эндиликда маккажўхорини ягана қилиш ишидан қутилдик. Маккажўхорикорларимиз дастлабки парваришини ўсимлик бўйи 10—12, иккинчи парваришини 18 сантиметр бўлганда ўтказишмоқда. Бу вақтда қилинган культивациядан жўхори илдизлари зарарланмайди, шоҳлари синдириб юборилмайди. Культивация билан бир экин озиқлантирилади. Гектарига 25—30 тоннадан маҳаллий ўғит солишга қатъий амал қиляпмиз. Албатта, бу ҳисобга минерал ўғитлар кирмайди.

Бундан бир неча йил олдин хўжалигимизда чорвачилик қолоқ соҳа эди. Гўшт, сут етиштириш ва давлатга сотиш планларни сурункасига бажарилмасди. Бунинг асосий сабабларидан бири чорвачилик учун озуқа етарли миқдорда тайёрланмасди. Молларимиз қишловдан озғин чиқарди. Соғин сигирлар қисир қоларди. Ҳатто кўпинча биз қўшни хўжаликлардан хашак сотиб олар эдик. Ишимиздаги бундай камчиликларни тугатиш чораларини кўриб чиқдик.

Рихсивой Пайшанов бошлиқ махсус ем-хашак бригадаси ташкил этилди. Унда 3 та звено тузилди. Бири бедачилик билан, бири хашак тайёрлаш билан, яна бири маккажўхорикорлик билан шуғулланди. Натижада хўжасизликка чек қўйилди. Бедазорларга ишлов бериш тубдан яхшиланди. Ҳар йили бедани 5—6 мартадан ўриб олишга улгурдик. Сенаж, силос бостириш топшириқлари доимо 1,5—2 баравардан адо этилди. Эндиликда бизда чорвачилик озуқаси мустаҳкамланди. Ҳар йили 1,5—2 йилга етадиган миқдорда ем-хашак тайёрлашга эришяпмиз.

Ем-хашак балансида маккажўхори етиштириш асосий ўринни эгаллаётганлиги қувончли ҳолдир. Биз маккажўхори донини майдалаб, сигирларга беришимиз туфайли сут соғиб олиш кўпаймоқда. 1977 йили ҳар бир соғин сигирдан 3112 килограммдан сут соғиб олинган эди. Ўтган йили эса бу рақам 3230 килограммга етди. Салкам 7 минг центнер сут кўп етиштирдик. Ҳар бир соғин сигирдан олиниадиган сут 245 центнерданга кўпайди. Чорва озуқаси рационининг тубдан яхшиланаётганлиги сабабли маҳсулот етиштиришимиз тўхтовсиз кўпайиб бормоқда.

1973 йилда бўлиб ўтган республикамиз ёш маккажўхорикорлари кенгаши қатнашчилари «қаҳрабо дон»дан рекорд ҳосил олиш ташаббуси билан чиқдилар. Шундан буён бизда ҳам бу соҳада анчагина ишлар қилинди. Камтар, ташкилотчи Раҳмат Ортиқов бошлиқ комплекс механизациялашган маккажўхорикорлик звеносининг аъзолари колхозчиларимизнинг ишончини оқлашди.

1974 йили звено ҳар гектар ердан 68 центнердан дон олганди. Ўтган йили пландаги 57 ўрнига 110 центнердан маккажўхори дони топширилди. 228 ўрнига 441 тонна дон етиштирилди. Бу соҳадаги планни звено 193,4 процент қилиб адо этди. Звено аъзолари силос учун экилган маккажўхоридан ҳам юқори ҳосил олишга эришдилар. Ҳар гектар ердан олинган кўк масса 902 центнерданга тўғри келди. Бу пландагига нисбатан 342 центнерданга кўпайди.

Звено аъзолари фермамизга салкам 2 минг тоннага яқин кўк масса етиштириб бердилар.

Маккажўхорикорлик звеносида ортиқча ҳаражатларга йўл қўйилмаганлиги туфайли етиштирилаётган маҳсулот арзонлашиб бормоқда. Масалан, бир центнер дон етиштиришга қилинган ҳаражат 6 сўм 99 тийинга тўғри келди. Бизда чорвадорлар каби маккажўхорикорларимизнинг унумли ишлашлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Дала шийпони ҳақиқий дам олиш уйига айлантирилган.

Бажарилган иш, топширилган маҳсулот аниқ ҳисобга олинмоқда. Шунга қараб қўшимча ҳақ тўлаш қатъий йўлга қўйилган. Ўтган йили маккажўхорикорлар планларини ортиғи билан бажарганликлари учун иш ҳақларидан ташқари 4034 сўм қўшимча ҳақ олишди.

Звено бошлиғининг йиллик даромади 3171 сўмни ташкил қилди. Ойлик иш ҳақи эса 321 сўм 40 тийинданга тўғри келади. Собит, Файзибой, Каримларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам 200 сўмдан кам эмас.

1979 йилда маккажўхоридан янада мўл ҳосил етиштириш тадбирлари белгилаб чиқилди. Кўкламги экиш кампаниясини бекамукўст, ҳар тарафлама пухта бошлаб юбориш учун конкрет режаларни белгиладилар. Ҳар бир қарич ердан, ҳар бир килограмм ўғитдан, ҳар бир литр сувдан, техникадан самарали фойдаланиш учун зарур чораларни кўрамиз.

Биз беш йилликнинг тўртинчи йилида республикамиз бўйича 1,3—1,4 миллион тонна «қаҳрабо дон» топширишдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириб, ҳар гектар ердан 110 центнердан ошириб дон етиштиришга аҳд қилдик. Бу — КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

Соиб ҚОРАБОЕВ, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

ИЛҒОР МАККАЖЎХОРИКОРЛАР МИНБАРИ



ОҲАНГАРОН цемент комбинати коллективи меҳнатда юксак ютуқларни қўлга киритмоқда. Ишчилар янги технология жараёнларини қўлланиш туфайли самарадорликни тобора оширишяпти. Ўтган йил якунлари бўйича илғор коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Суратларда илғор электриклар бригадири П. Д. Черников [ўнгда], комбинатнинг айланма печларини кўриб турибсиз.

Г. Пун фотоси, [ЎзТАГ].



ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН БИРГАМИЗ

Партиянинг КПСС XXV съездида қабул қилинган сиёсий йўли экономикани ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашга қаратилгандир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайлов олдидан сўзлаган нутқининг бу қоидаси коллективимиз — Тошкент метроси ходимлари кўп минг кишилик отряди меҳнатининг характери билан тасдиқланди. Транспортнинг энг қулай ва тезюрар тури — ажойиб ер ости қошоналарини қуриш давлатимизга бир неча ўн миллион сўмга тушди. Энди бу ажойиб иншоот юз минглаб тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонларининг турмушини яхшилашга хизмат қилмоқда. Қурувчилар эса «ер ости электричкаси»нинг линияларини янада ривожлантириш учун яна кўплаб маблағлардан фойдаланмоқдалар. Коммунистларнинг: ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган буюк мақсади амалда ана шу тариқа рўёбга чиқарилмоқда. Бу эса совет халқи, партиянинг турмушга тадбиқ этаётган улуғвор режаларидан атиги бир сатрдир, холос!

Ҳар биримиз ўзимизнинг бутун куч-ғайратимизни коммунистик қурилиш ишига, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига бағишлашга қатъий аҳд қилганмиз. Леонид Ильич ўз нутқида бундай деди: «Станок ёнида ишлаётган, далада ёки чизма столи ёнида меҳнат қилаётган ҳар бир киши: унумлироқ, самаралироқ ишлаш, материалларни тежаш, вақтни зое ўтказмаслик учун ҳамма ишни қилдимми? — деб ўз-ўзига савол бериши керак. Мен ҳам ўзимга-ўзим савол бериб, янада самаралироқ, янада яхшироқ ишлаш мумкин деб жавоб қайтараман. Коллективимизда фойдаланилмаган резервлар ҳали кам эмас. Биз бу резервларни ҳалқимиз учун хизмат қилдирамиз!

Л. ИСМАТИЛЛАЕВ, Тошкент метрополитенининг инструктор-машинисти, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҒАЗАБЛИ ОВОЗИ

Совет кишилари маочиларнинг Вьетнамдаги агрессияси ҳамда Хитой қўшинларининг Лаос чегарасида тўпланаётганлигига нисбатан СССР тутаётган ва совет ҳукуматининг баёнотларида ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг пойтахтдаги Бауман округи сайловчиларининг йиғилишида сўзлаган нутқида ифода этилган қатъий, кескин позициясидан ғоят мамнун эканликларини билдирмоқдалар. Улар Пекин тўдасининг буюк давлатчилик, гегемончилик сиёсатини ер юзидаги барча прогрессив инсоният билан бирга қаҳр-газаб билан қоралаяпмоқдалар.

— Ҳозирги Хитой ҳукмдорларининг авантюризми бутун дунёга жуда ҳам равшан бўлиб қолди, — деди Москвадаги СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг созловчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Беспалов. — Жанубий-Шарқий Осиёда жандармлик ролини ўз зиммасига олган Пекиннинг ҳатти-ҳаракатлари БМТ Уставини, халқаро ҳуқуқнинг энг оддий принципларини қўпол равишда бузишдир. Шу боисдан ҳам холис ниятли кишиларнинг ҳаммаси ўз ватанининг эркинлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган қаҳрамон халқ томонидадир. Бизнинг қардош Вьетнам билан дўстлигимиз амалда синовдан ўтган, унинг учун оғир бўлган ҳозирги даврларда ҳам биз Вьетнам билан тўлатўкис ва батамом бирдаммиз.

— Хитой милитаристларининг агрессияси, уларнинг жафокаш Вьетнам диёридаги ваҳшийликлари туфайли оналар қалбида вужудга келган алам ва қаҳр-газаб ҳисларини ифода этадиган сўз топиш қийин, — дейди Херсонлик пенсионер аёл З. Бойченко. — Қардош мамлакатдан келаётган ташвишли хабарларни эшитиш ва ўқиш мен учун айниқса оғир: менинг ўз қизимдан ташқари қалбимга яна азиз бўлган вьетнамлик тутинган ўғлим Во Тхе Хунг ҳам бор. Биз уни Ваня деб аталаймиз. Унинг ота-онаси ҳалок бўлишган, бу бола бизнинг шаҳримизда ўқиб юрган чоғида мен уни ўғлим деб атардим, у эса мени ойи дерди. Ваня ҳамиша оиламизнинг энг азиз меҳмони эди, ўз каникулларини шу ерда ўтказарди. У ватанига қайтиб боргандан кейин ВСР халқи барпо этаётган янги ҳаёт тўғрисида қувонч билан ёзиб турди. Ҳозир эса Хитой солдатлари Вьетнам тупроғини топтамоқдалар, хотин-қизлар, қариялар, болаларни ваҳшиёна жабрламоқдалар. Босқинчиларнинг жиноятларини сира ҳам оқлаб бўлмайди.

— Мен Вьетнам халқи Америка аггрессорларига қарши мардона жанг қилаётган даҳшатли йилларда Жаҳон Тинчлик Кенгаши делегацияси составида қардош мамлакатга борган эдим, — дейди ёзувчи П. Крученок. — Л. И. Брежнев Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчиларининг сайлов олди йиғилишида сўзлаган нутқида: «...Вьетнамнинг иши енгилмасдир, агрессорнинг қора ниятлари мағлубиятга маҳкумдир», — деб жуда тўғри ва аниқ айтди. Хитой қўшинларининг ВСР территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетилиши, Лаос чегараларида ҳарбий намойишларнинг ва бу мамлакатга бостириб киришга тайёргарликнинг тўхтатилиши — ер юзининг шу районида тинчликни қайта тиклашнинг бош шартидир.

(ТАСС).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ОҚҚЎРҒОН. «Партия XXI съезди» колхозининг деҳқонлари ўтган йили 1190 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариб, планларини ошириб бажаришди. Ҳосилдорлик бир йил ичида 4,5 центнерга кўпайди.

Колхозчилар ўтган йилда қўлга киритилган ютуқларини мустаҳкамлаб, бу йил ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз беришди. Ҳозир аҳдига вафодор деҳқонлар кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни кучайтириб юборишди. Ишчи кучларидан моҳирлик билан фойдаланилаётганлиги туфайли қисқа вақт ичида 8 минг кубометрга яқин ариқ-зовурлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Маҳаллий ўғит ташиб чиқариш намунали йўлга қўйилди. Ҳозиргача 7800 тонна органик ўғит жамғарилди, 1400 тонна компост тайёрланди.

Техника ремонти ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилган. 6 та ҳайдов, 24 та чопиқ трактори, 16 сеялка, 18 та культиватор, 86 та тишли барона ва бошқа механизмлар ремонтдан чиқариб қўйилди. Деҳқонлар яхши ишлов берилиб, сифатли текисланган майдонларга уруғ ташлаш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

* * *

БЕКОБОД. Қиёт қишлоқ советидаги «Победа» колхозининг миришкор деҳқонлари экиш кампаниясига тайёргарликни жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Ерларнинг шўрини ювиш ниҳоясига етди. Сизот сувлари оқадиган зовурлар қазилиб, тартибга солиб қўйилди. Бригадалар ўртасидаги ариқлар чопилиб тартибга келтирилмоқда.

Кўкламга тайёргарлик юзасидан бошланган мусобақада Омон Бердиқулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари олдинги сафда кетишяпти. Улар қисқа вақт ичида ариқ-зовурларни тозалаб бўлишди. Техникани мавсумга шай қилиб қўйишди. Қодир Хўжанов, Жўравой Бойзоқов, Аъзам Бердиқуловга ўхшаш ёшлар дала ишларида фаол қатнашиб, кундалик нормаларини ортиғи билан бажаришмоқда.

З. ЮСУПОВ.

* * *

БЎКА. Ильич номли колхознинг Тўлаган Маликов бошлиқ бригадаси аъзолари дала ишларини илғорлар тажрибаси асосида олиб бормоқдалар. Улар ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Ҳозир чигитни барвақт экиш ва уни ҳатосиз ундириб олиш учун барча агротехника талабларидан кенг фойдаланишяпти. Пардабой Ҳолмирзаев, Ёрмат Латипов, Шермат Маназаров, Ўсар Йўлдошев каби бригада аъзолари ўзларига топширилган ишни ортиғи билан адо этишмоқда.

Ю. АНОРБОЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Собир Раҳимов номли колхоз аъзолари ҳар йилгидек бу йил ҳам эртанги карам кўчатлари экишни қизғин бошлаб юборишди. С. Абдуллаев, Р. Дўсинбоев каби илғор бригадаларда ҳар куни 2—3 гектар ерга эртанги карам кўчати экилмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.

21 АПРЕЛЬ БУТУНИТТИФОҚ ШАНБАЛИК КУНИ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Москвалик темирйўлчиларнинг 21 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўказиш ҳақидаги чақириғини областимиз комсомол-ёшлари бенуқсон руҳланиб кутиб олдилар.

Тошкент тепловоз депосида шанбаликка бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари 21 апрелда бир тан бир жон бўлиб меҳнат байрамида иштирок этиш ва шу куни юксак меҳнат унумдорлигига эришажакларини баланд руҳ билан билдирдилар. Шанбалик куни кўплаб поезд эстафеталари қабул қилиб олиш, иқтисод қилинган материаллар ҳисобига саккизта тепловозни ремонтдан чиқаришга аҳд қилишди. Бир қатор цехлар ва бўлимлар коллективлари тепловоз ремонти учун ҳар кунгидан кўра кўпроқ деталлар тайёрлашга сўз бердилар. Шу куни ишлаб топилган моддий маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Тошкент электротехника алоқаси институти студентлари ҳам москваликларнинг ташаббусларига қўшилишди. Институт талабалари меҳнат байрами куни Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси зонасида қурилаётган Тошкент телевишкаси бунёдкорлигида, шунингдек, Киров районини территориясида ободончилик ишларини бажаришда қатнашадилар.

ТОШКЕНТ—ЖИЗЗАХ—ИВАНОВО

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АНИРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1979 ИЛ ЯНВАРИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ:

	Областлар		
	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ:			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	104,6	110,2	99,6
Маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиш проценти	101,9	102,1	99,4
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	8,2	0,4	—
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	3	3	45
Саноатда ходимлар сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши—процент ҳисобида	101,4	105,6	99,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш проценти	101	103,4	97,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	103,2	104,4	99,4
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони	69	14	94
Корхоналарнинг умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	17,9	31,8	31,9
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш—минг тонна	1,5	—	27,9
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	87,0	—	97,9
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш—миллион погон-метр	16,9	—	186,9
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	100	—	93,0
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш биринчи квартал планининг бажарилиш, пландан ташқари харид қилинган ҳам ҳисобга киради—процент ҳисобида:			
чорва ва парранда	46,7	75,3	26
сут	34,1	32,0	22
тухум	33,6	57,4	44
Колхоз ва совхозларда 1979 йил январида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги:			
Тирик вазнда сўйиш учун топширилган асосий чорва ва парранда турлари—минг тонна	3,9	1,3	4,2
1979 йилнинг январида 1978 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	100	130	69
Жами соғиб олинган сут—минг тонна	9,9	1,8	18,8
1979 йилнинг январида 1978 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	105	100	83
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона	21,0	2,4	27,0
1979 йилнинг январида 1978 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	116	259	116
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори—килограмм	226	152	117
1979 йилнинг январида 1978 йилнинг январига нисбатан	101	106	83
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори—дона	13	—	17
1979 йилнинг январида 1978 йилнинг январига нисбатан процент ҳисобида	100	—	100
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилган:			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш проценти	73	—	62
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиш проценти	80	—	71
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш—процент ҳисобида	76	—	82
САВДО			
Давлат ва кооператив савдосн товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради—процент ҳисобида	100,8	100,6	98,6
Шу жумладан, чакана тармоқ оборотн	100,7	100,5	98,5
Умумий овқатланиш товар оборотн	100,9	101,4	99,5
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши—процент ҳисобида	102,1	100,0	100,3
Шу жумладан, шаҳарларда	101,7	104,0	100,4
Қишлоқларда	103,4	98	99,4



Муқаддам Исроилова билан Феруза Мирзаева пойтахтдаги бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам чеварлари. Улар смена топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда.

ЮРИСТЛАР ОТАЛИҒИДА

ОКТЯБРЬ район юридик консультацияси адвокатлари ишлаб чиқариш коллективлари билан алоқани кенгайтириб бормоқдалар. Уларнинг кўмагида 10 та йирик корхонада жамоатчилик асосида юридик консультация пунктлари очилган. Булардан ташқари, жойларда социалистик қонунчилигимизни пропаганда қилишнинг бошқа формаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Фабрика ва заводларнинг клублари ва маданият саройларида «Меҳнат ҳуқуқлари ҳақида сиз нималарни биласиз», «Инсон ва қонун» ва шу каби темаларда кечалар уюштириб турилибди. Бу кечаларни ташкил қилишда С. А. Мақсудов, Э. Капилевич, Н. Галун, Л. Иброҳимов, Т. Бурхонбекова, Ю. Иброҳимов, Л. Лившин, М. Файзуллаев, Р. Увайсев ва бошқа юристлар фаол қатнашмоқдалар.

Уй бошқармалари ва маҳаллаларида ўтказилаётган учрашув ва кечалар, айниқса, диққатга сазовордир. Унда аҳолининг кўпдан-кўп саволларига жавоблар, маслаҳатлар берилмоқда.

Октябрь район адвокатлари Калинин районн хўжаликларида ҳам тез-тез бўлиб туришади. Улар Куйбишев номли, Оржоникидзе номли колхозларни ўз отаклиларига олишган. Яқинда бу хўжаликларда Октябрь район юридик консультацияси ходимларининг кўмагида жамоатчи юридик қабулхона ва ҳуқуқий билимлар лекторийси очилди.

Совет қонунчилигини аҳоли ўртасида пропаганда қилиш юзасидан бошланган бу қимматли ташаббус тобора кенг қулоч ёймоқда. Адвокатура ходимлари томонидан прокуратура ва халқ судлари билан ҳамкорликда йирик корхоналарда янги-янги жамоатчилик асосидаги юридик консультациялар ташкил этилмоқда.

Е. МОРДУХАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МАРКАЗЛАШГАН ҚИШЛОҚ

КЕЙИНГИ беш йил мобайнида Назарбек қишлоғида истиқомат қилувчи 350 хонадон янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйлари ўтказишди. Бу ерда партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига амал қилиб, ободонлаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун энг аввало территориядаги янкам-дуккам хуторлар тугатилди. Натижада 120 гектар қўшимча майдон қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Аҳолининг 65 процентн водопровод суви билан, 45 процентн эса табиий газ билан таъминланди. Ҳозир марказлашган қишлоқда 14 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 3 та чойхона, 2 та клуб меҳнаткашлар хизматида.

Р. ШОДИЕВ.



«Ўзбекхиммаш» заводининг нишчиси Ортиқбой Усмоновни корхонада ҳамма илғор машинасоз сифатида танийди. У ўз зиммасига бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олганлардан. Беш йиллик планини икки йил етти ойда бажариб қўйган Ортиқбой ака ҳозирги кунда иккинчи беш йиллик ҳисобига зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. Суратда: О. Усмонов.

И. Глуберзон ва В. Сироткин фотоси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

РЕСПУБЛИКАГА БАҒИШЛАНАДИ

БУДАПЕШТ. Будапештдаги ишчилар синфи тарихи музейида Венгрия Совет Республикаси учун кураш кунларида яратилган плакатлар виставкаси очилди. Экспозиция Венгрия Совет Республикасининг бўлажак 60 йиллиги юбилейига бағишланган. Виставкада 60 га яқин плакат қўйилган. Булар орасида 1919 йилда Венгриянинг номаълум рассоми асари—жаҳон пролетариати йўлбошчиси В. И. Ленин тасвирланган биринчи плакат ҳам бор. Музейда, шунингдек Венгрия Совет Республикаси вақтида чиқарилган тангалар ва марказлар виставкаси ҳам очилди.

СИНОВ БОШЛАНДИ

СОФИЯ. София темир йўл станциясида электрон диспетчерлик хизмати системасини синаб кўриш бошланди. Системанинг бошқарув пульти Ленинградда тайёрланди, уни бир группа совет мутахассислари синаб кўрмоқдалар.

Янги система фойдаланишга жорий этилиши билан пассажир ва товар поездлари ҳаракатининг хавфсизлиги кучайибгина қолмай, станцияларда поездлар қатнови ҳам қарийб икки баравар ошади.

(ТАСС, 5 март).



Пол Пот — Иенг Сари тузуми ағдарилгандан сўнг Кампучияда ҳаёт тобора нормаллашмоқда. Мамлакат пойтахти Пномпень шаҳри аста-секин гавжум бўлиб бормоқда. Ҳамма жойда ўз-ўзини бошқаришнинг янги органлари—халқ комитетлари тузилмоқда. Суратда: мамлакат пойтахтининг хотин-қизлари ғалабани байрам қилмоқдалар.

ТАСС фотоси.

ВЬЕТНАМ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

ХАНОЙ, 4 март. (ТАСС). Вьетнам Компартияси Марказий Комитети ватандошларга ва бутун мамлакатнинг жангчиларига Мурожаат қабул қилди.

17 февраль куни эрталаб, дейилади мурожаатда, реакцион Хитой маъмурлари жами 500.000 кишидан иборат кўп миқдордаги армия корпусларини, кўпдан-кўп танк ва самолётларни тўплаб олиб, Куенгнинь вилоятидан тортиб Лайтзо вилоятигача бўлган бутун чегара бўйлаб мамлакатимизга ёпирилиб ҳужум бошладилар. Уларнинг қўшинлари ўз йўлларида учраган ҳамма нарсани пайхон қилиб ташладилар, мол-мулкимизни талади-лар, ватандошларимизни, шу жумладан аёллар ва болаларни ўлдирдилар, ваҳшиёна жиноятлар қилдилар.

Чегара районларининг аҳолиси ва маҳаллий қуролли кучлар мардона жанг қилиб, агрессорларнинг колонналарига қарши чиқилар ва уларга ҳужум қилдилар, душманнинг ўн минглаб солдатини қириб ташладилар, юзлаб танкларни ва душманнинг бошқа кўп миқдордаги қуролярогини яксон қилдилар. Душман оғир мағлубиятга учраган бўлишига қарамай урушни зўр бериб кенгайтирмоқда. Шиддатли жанглар давом этиб турибди. Халқимиз билан қуролли кучларимиз ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини ҳимоя қилишга азму қарор берганлар. Ватандошларимиз ва бутун мамлакатнинг жангчилари астойдил жанг қилиб, хитойлик экспансионистлар устидан ғалаба қозонишга бел боғлаганлар.

Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар, бутун дунёдаги тараққийпарвар кишилар агрессорларнинг жиноятларини зўр қаҳр-ғазаб билан кескин фош этмоқдалар, Вьетнам Социалистик Республикасини сидқидилдан қўллаб-қувватламоқдалар.

Реакцион Хитой маъмурлари Вьетнамга қарши кенг миқёсдаги урушга жон-жаҳдлари билан тайёргарлик кўрганликлари мурожаатда уқтириб ўтилади. Улар мамлакатимизга қарши уруш бошлаш ва жануби-ғарбий чегарадаги территорияларни босиб олиш мақсадида, бизга икки тарафдан ҳужум қилиш ниятида геноцид сиёсатини ўтказиб келган Пол Пот—Иенг Сарининг фашист тўдасидан фойдаландилар. Улар Вьетнамдаги хитой миллатига мансуб кишиларни мамлакатимиз ичкарисида ғалаёнлар чиқаришга гиж-гижладилар. Хитой экспансионизми Кампучияда шармандаларча барбод бўлгандан кейин улар Вьетнамга қарши агрессив уруш бошлашга жазм қилдилар.

Ҳақиқат равшан: реакцион Пекин маъмурлари бизнинг мамлакатимизни босиб олиш ва сўнгра Ҳинди—Хитой яриморолида ва Жанубий-Шарқий Осиёда ўзларининг буюк давлатчилик, экспансионистик ва гегемончилик ниятларига қадамба-қадам эришиш мақсадини кўзловчи маккорона фитнани амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги вақтда, дейилади, сўнгра баёнотда, реакцион Пекин маъмурлари халқимизнинг бевосита ва хавфли душманидирлар. Улар Вьетнамга қарши агрессия бошлаш билан бирга империалистлар билан ва замонамизнинг энг реакцион кучлари билан тил бириктириб олган сохта революционер эканликларини тўла-тўкис фош этдилар. Улар барча социалистик мамлакатларнинг, Осиёда ва бутун дунёда миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик ҳаракатининг хатарли душмани бўлиб қолдилар. Инсониятга яна дағдаға қилинмоқда.

Агрессорлар ўзларининг қабиҳ найрангларн билан ўз қора ниятларини ва ваҳшиёна жиноятларини ниқоблаш умидида жаҳон афкор оммасини алдашга уринмоқдалар, аммо бутун дунё уларни кескин қоралади ва реакцион Хитой агрессорларига қарши қураша-ётган қаҳрамон Вьетнам халқига астойдил ҳайрихоҳ ва мададкор эканлигини намойиш қилди.

Душман дидримизни оёқ остн қилмоқда! Халқимизнинг мустақиллиги, озодлиги, социализм иши тақлика остида қолди! Жануби-Шарқий Осиёдаги тинчлик ва стабиллик хавф остида қолди. Реакцион Хитой агрессорларига қарши урушимиз кенгайиб бормоқда.

Сўнгра ВКП Марказий Комитетининг Мурожаатида бундай дейилади:

Ватандошлар ва Куангнинидан тортиб то Лайтзогача бўлган чегара районларининг жангчилари, сизлар юксак революцион қаҳрамонлик кўрсатиб, зўр фидокорлик билан жанг қилдингиз! Энди ўз ғалабаларингиздан руҳланиб олға интилингиз! Душманни изсиз қанжага олингиз, унинг қўшинларини қириб ташлангиз! Аҳолининг ҳаёти ва мол-мулкини жонбозлик билан ҳимоя қилингиз! Шу дамларда сизларнинг шонли вазифангиз барча агрессорларни территориямиздан супуриб ташлашдан ва Ватан чегараларини комил ишонч билан ҳимоя қилишдан иборат.

ВКП Марказий Комитети бутун халққа Мурожаат қилиб фронтни зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлаб туришга, ҳарбий тайёргарликда актив қатнашишга, хушёрликни оширишга ва агрессив уруш бошлаган душманни тор-мор этишга шай бўлиб туришга чақиради.

Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир корхона, ҳар бир кооператив, ҳар бир аҳоли пункти, ҳар бир маъмурий район, ҳар бир область агрессор йўлидаги енгилмас қўрғондир, дейилади ҳужжатда. Ҳар бир вилоят ва ҳар бир шаҳар жанг майдонидир, бутун мамлакат — жанг майдонидир.

Ишлаб чиқаришда ва жангда, меҳнатда ва ўқишда олдинги сафларда туришга мусшарраф бўлиш масъулиятини юклаган ва шу шарафга муяссар бўлган Коммунистик партия билан коммунистик ёшлар союзининг аъзолари халқ ишончига муносиб иш қилишлари лозим.

Пекиннинг буюк ханчилик экспансионизми ва буюк давлатчилик гегемонизми Вьетнам халқи учунгина эмас, шу билан бирга Жануби-Шарқий Осиё ва бутун дунё мамлакатларининг тинчлиги, мустақиллиги, озодлиги ва социал тараққиёти учун ҳам хатарлидир, деб таъкидлайди ВКП Марказий Комитети.

Вьетнам Коммунистик партияси бутун дунёнинг коммунистик ва ишчи партияларини, революцион ҳаракатлар ва халқаро демократик ташкилотларни, барча мамлакатларнинг халқлари ва ҳукуматларини реакцион хитойлик агрессорларни кескин қоралашга, реакцион Пекин маъмурлари ўтказаётган ҳаддан ташқари хатарли ва жиноий авантюристик уруш сиёсатига зарба беришга қатъий даъват қилади.

Биз тинчлик ва анъанавий Вьетнам—Хитой дўстлиги манфаатларини кўзлаб, чин Хитой коммунистларини ва халқини реакцион сиёсатга ва Пекиннинг реакцион маъмурлари бошлаган адолатсиз урушга ўз вақтида зарба бериш учун зўр ғайрат билан норозилик билдириб чиқишга қатъий даъват қиламиз.

Вьетнам Коммунистик партияси билан Вьетнам халқи Вьетнам халқининг одилона курашига ўз вақтида зўр ғайрат билан қудратли мадад берган барча дўстларга астойдил миннатдорчилик изҳор этадилар.

Вьетнам халқи ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун тўла ғалабагача қатъият билан курашар экан, айни вақтда ҳамма халқларнинг тинчлиги учун жанг қилаётганини жуда яхши билади. Хитойлик реакционерлар устидан ғалаба қозониш Вьетнам халқининг шонли миллий бурчидир, унинг олижаноб интернационалистик вазифасидир.

Мурожаатнинг охирида бундай дейилади:

Азиз ватандошлар ва бутун мамлакатнинг жангчилари!

Бутун халқимиз чет эллик босқинчиларга қарши жанг қилиш учун яна бир жон ва бир тан бўлиб қўлга қурол олмоқда. Бизнинг қаҳрамон аждодларимиз феодал Хитойдан келган агрессорлар устидан неча марталаб ғалаба қозонган. Бизнинг Коммунистик партиямиз раҳбарлигида Вьетнам халқи француз ва америкалик империалист — агрессорлар устидан шонли ғалаба қозонди. Энди биз ҳар қачонгидан ҳам қудратли кучга эгамиз, бирлашган миллатнинг бирғалиқдаги кучи ва замонамиз уч революцион оқимининг кучи бизга мададкордир.

Хитойлик реакционер агрессорлар ўзлари бошлаган урушни қанчалик кўп кенгайтириб, давом эттираберсалар, бизнинг қуролли кучларимиз ҳар бир жанг сари мустаҳкамланаберади, мамлакатимизнинг бутун халқи тобора жипслашаберади. Бизнинг тўла-тўкис ғалаба қозонишимизга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Улуғ Хо Ши Миннинг «мустақиллик ва озодликдан азизроқ нарса йўқ» деган васияти бизга ҳамиша куч бахш этаверади.

Бутун партиямиз, бутун халқимиз, барча қуролли кучларимиз бир ёқадан бош чиқариб астойдил жанг қилиш ва ғалаба қозониш иштиёқи билан дадил олға бораверсинлар!

Хитойлик реакционер агрессорлар мағлубиятга учрайдилар!

Вьетнам халқи ғалаба қилади!

ХИТОЙ АГРЕССОРЛАРИГА ЗАРБА

ХАНОЙ, 4 март. (ТАСС). Вьетнам халқ армиясининг қисмлари ва халқ лашкарларининг отрядлари Хитой агрессорларига қарши қаттиқ жангларни давом эттирмоқдалар.

Вьетнам информация агентлиги (ВИА)нинг хабар беришича, душман пиёдалари олтита дивизиясининг кучлари ҳамда бир неча юзта оғир тўп ва танклар мададида Лангшон вилоятидаги Донгданг шаҳридан жанубдаги районда ҳам ҳужум қилди. Вьетнамнинг жангчилари бу ҳужумларни мардонавор даф этмоқдалар. Дастлабки маълумотларга кўра, душман аскар ва техникасидан оғир талафотлар бермоқда.

Хитой қўшинлари Хоанглиеншон вилоятида Фонгай давлат хўжалигини, шунингдек 215- ва 264-тепаликларни тўпга тутдилар, сўнгра бу жойларга ҳужум қилдилар. Ҳужумлар даф этилди, душманнинг кўп солдатлари қириб ташланди. Вьетнам қуролли кучлари шу вилоятдаги 1192-ва 1325-тепаликлар районида хитойларнинг ҳужумларига қарши ҳужум қилиб, душманнинг 375 солдатини қириб ташладилар.

Хатуен вилоятида ҳам жанглар давом этди. Куангнинь вилоятида Хитой солдатлари Биньлиеу шаҳридан 20 километр шимоли-шарқдаги Каобаланъ районида ҳужум операциясини авж олдиришга уриниб кўрдилар. Вилоятнинг регионал қуролли кучлари бу ҳужумни тўхтатиб қўйди. Душманнинг 150 га яқин солдати ўлдирилди ва яраланди.

ВИАнинг таъкидлашича, аскарлар ва Хоанглиеншон, Хатуен ва Куангнинь вилоятлари халқ лашкарлари отрядларининг жангчилари фақат 1 мартнинг ўзидагина агрессорнинг 600 солдатини шунингдек кўпгина техникасини, шу жумладан оғир тўпларн ва танкларни сафдан чиқара олганлар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ПАРИЖ. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият француздарни тобора кўпроқ ташвишлантирмоқда. «Софрес» хизмати ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига мувофиқ, сўралган кишиларнинг кўпчилиги ишсизларнинг тобора кўпайиб бораётганлигини асосий проблема, деб ҳисобламоқда. Сўралган кишиларнинг 85 процентн ана шу проблемани ҳал қилиш соҳасида ҳукуматнинг ҳатти-ҳаракатидан норози эканликларини билдирмоқда. Уларнинг 80 процентн нарх-навони соҳасида маъмурларнинг тутган сиёсатини танқид қилмоқда. Сўралган кишиларнинг 70 процентн вазиятнинг бундан буён ҳам ёмонлашувини ва социал низоларнинг кескинлашувини олдиндан айтиб берди.

◆ ТОКИО. Бу ерда «Япония—СССР» жамиятининг навбатдаги 23-съезди очилди. Съезд ишида мамлакатнинг 24 префектурасидан келган жамият активларидан салкам 150 киши, шунингдек Японияда-ги бир қанча тараққийпарвар ташкилотлар ва партияларнинг, шу жумладан ЯКП ва ЯСПнинг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Съездни очиш вақтида сўзланган нутқларда жамиятнинг япон ва совет халқлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятига юксак баҳо берилди. Нотиқлар Хитойнинг Вьетнам Социалистик Республикасига қарши агрессияси натижасида халқаро вазият кескинлашган бир шароитда тинчлик ва демократия учун курашни кучайтиришга ҳам даъват этдилар.

(ТАСС).

ПЕКИНЛИК АГРЕССОРЛАРНИНГ НАЙРАНГЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ

ХАНОЙ, 4 март. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан ВСР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Динь Нго Лием қуйидагиларни айтди: Хитой ҳукмрон доираларининг иккала мамлакатимиз ўртасида «сулҳ музокаралари» деб аталган музокара ўтказиш тўғрисидаги гаплари жаҳон жамоатчилигини чалғитишни кўзловчи бўҳуда лўттибозликдан бошқа нарса эмас.

Хитой қўшинлари бизнинг мамлакатимизга кенг миқёсдаги агрессияни давом эттираётган, бир қанча районлар ва уезд марказлари босиб олинган, чегарадаги вилоятлар тинч аҳолисининг қони тўкилаётган бир пайтда, деди у, қандай музокара бўлиши мумкин. Хитой томони бундай таклиф киришининг сабаби шуки, Пекин ҳарбий, сиёсий ва дипломатик соҳаларда доимо мағлубиятга учраётганлиги сабабли, Хитойнинг хиёнаткорона ҳаракатлари бутун тараққийпарвар инсониятнинг қудратли норозилик ҳаракатига дуч келганлиги оқибатида саросималикка тушиб қолди.

Шу муносабат билан министр ўринбосари Хитой миллатига мансуб кишиларга доир масалалар хусусида Ханойда ўтказилган бултурги музокераларни эслатиб ўтди. Ўшанда Хитой делегацияси бирон-бир ҳолис ният нишонасини кўрсатмаган, балки музокара минбаридан туҳмат уйдирмалар ва ашаддий бўхтон ёғдириш учун фойдаланган эди.

Хитой томонининг таклифларида қўшинларни Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида бироита сўз йўқ, деди сўзини давом эттириб Динь Нго Лием.— Шу сабабли Вьетнамга қарши урушни янада кучайтиришга ҳозирлик кўриш ва бунинг учун Хитой томони гўё музокара бошлашни таклиф қилди-ю, Вьетнам томони эса ундан бош тортди, демак, «уни жазолаш керак» деган гапни баҳона қилиш — мана шу дипломатия найрангининг мақсадларидан биридир.

Агрессия давом этиб турган пайтда мустақил суверен мамлакат музокара столи ёнига келиши мумкинми? Йўқ. Халқимиз билан ҳукуматимизнинг позицияси равшан: модомики Хитой маъмурлари Вьетнамга қарши агрессив уруш бошлаган эканлар, улар ўз агрессиясини тўхтатишлари ва ўзларининг агрессив режаларидан абадий воз кечишлари лозим. Улар ўз қўшинларини тарихан вужудга келган ҳамда иккала томон рози бўлишга вазда берган чегараининг нариги томонига даҳол ва ҳеч писандасиз олиб кетишлари ҳамда Вьетнамнинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини оғишмай ҳурмат қилишлари лозим. Ана шундан кейингина Вьетнам иккала мамлакат ўртасида Вьетнам ва Хитой халқларининг, дунёдаги бошқа халқларнинг ҳаққоний истагига мувофиқ равишда нормал муносабатларни қайта тиклаш тўғрисида Хитой билан музокара бошлашга тайёрдир.

Лаослик ўртоқларнинг бизга маълум қилишларича, деб таъкидлади Динь Нго Лием, ҳозирги вақтда Хитой Лаос чегараси яқинида қўшин тўплаб, қардош Лаоснинг озодлиги ва мустақиллигига хавф солмоқда. Бу нарса Жануби-Шарқий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликка катта хавф солади. ВСР билан ЛХДР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома бор. Бинобарин, шу шартнома юзасидан ўз зиммамизга олган мажбуриятларни бажарамиз. Жаҳон халқлари Хитой агрессорларининг янги қора ниятларини фош қилмоқдалар. Биз совет ҳукуматининг 2 мартдаги баёнотини зўр мамнуният билан кутиб олдик. Бу баёнот жаҳон халқларининг Вьетнам халқининг одилона ишини қўллаб-қувватлаш ва у билан бирдамлик юзасидан вужудга келган ягона фронтини янада мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Хитойда Хитойнинг Вьетнамга қилган ҳужумига қарши норозилик билдирувчи децизабоплар пайдо бўлганлиги тўғрисида бизга хабарлар етиб келди, деб уқтирди министр ўринбосари. Хитой солдатларини машиналарга чиқарганларида уларга хатто қаерда ва кимга қарши жанг қилишларини ҳам айтмаганликларини асирга тушган хитойлик солдатлар гапириб беришди.

Бошқача қилиб айтганда, Хитойнинг ҳукмрон доиралари ўз халқидан кўрмоқда, ўз жиноятларини яширишга уринмоқда.

Ҳозир Хитой бир қўлида «сулҳ байроғини» кўтариб, иккинчи қўлида автомат ушлаб турибди. Америка президентлари Жонсон билан Никсон неча марталаб ишлатган бу усуллар яхши маълум. Аммо ана шу ҳамма найрангларнинг шармандали қисмати ҳам яхши маълум. Пекинлик уруш оловини ёқувчилар муқаррар тўла мағлубиятга учрайдилар.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар, миллий озодлик ҳаракати, тинчлик ва адолатни қадрловчи дунёдаги барча халқлар бизнинг тарафимизда турибди, деди пировардида Динь Нго Лием. Қудратли мадад ва ёрдам учун биз Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, барча дўстларимизга астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз. Халқимиз яна қўлига қурол олишга мажбур бўлди, аммо биз бутун кучимиз билан тинчликка ва тинч қурилишга интиламиз.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № 2(192)

ТЕЖАМКОРЛИК КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

Илғор коллективлар қишда ҳам иш суръатини пасайтирмай, маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтиришга, ёнилғи ва энергия ресурсларидан рационал фойдаланишга интилмоқдалар.

Маълумки, қиш пайтида табиий газга эҳтиёж анча ошади. Саноатчилар шуни ҳисобга олиб, ҳар бир куб метр газдан самарали фойдаланиш йўлларини изламоқдалар. Илғор корхоналар ҳиссаси билан ўтган йили район бўйича 6,8 процент газ иқтисод қилиб қолинди. Биргина «Таштеплосеть» корхонаси ишчилари резервларни тўла ишга солиб, 27,4 миллион куб метр газни тежаб қолдилар.

Район меҳнаткашлари ҳар соҳада тежамкор бўлишга интилмоқдалар. «Таштекстильмаш» заводи ишчилари қора металлни иқтисод қилиш юзасидан мусобақа бошлаганлар. Кузатувлар шу нарсани кўрсатдики, ҳар бир машинани тайёрлаш давомида 20 процентга яқин қимматбаҳо металл исроф бўлар экан. Ишчилар технология интизомига тўла амал қилиш туфайли бу нуқсонни бартараф этиш йўлини топдилар. Бундан ташқари чўян қуйилмалар ўрнида пластмасса, металл керамикасидан кенг фойдаланиш мумкинлигини ҳам исботладилар. «ПК-100» маркали машиналар тайёрлашда эндиликда чўян деталлар ўрнида пластмасса ва металл керамикасидан фойдаланиляпти.

Корхонада алюминий иқтисод қилиш соҳасида ҳам қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Слесарлардан В. Семенюк, йиғувчилардан М. Переверзев, мастерлардан Г. Януш каби новаторлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ҳомашёдан рационал фойдаланиш йўлларини қидириб топмоқдалар Назоратчилардан В. Назаров, К. Марсов ва бошқалар янгиликларни тезроқ жорий этишда кўмаклашмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати халқ назоратчиларининг ҳиссаси билан цехларни реконструкция қилиш ишлари тезлашди, эҳтиёт қисмларидан фойдаланиш яхшиланди. Текширув пайтида пардозлаш цехи омборида кўплаб эҳтиёт қисмларни фойдаланилмай ётганлиги маълум бўлди. Назоратчилар талаби билан омбордаги ҳамма деталлар бир-бир рўйхатдан ўтказилди. Шунда фойдаланишга яроқли кўпгина эҳтиёт қисмлари борлиги аниқланди.

Комбинат халқ контроли группаси ва постларига мингдан ортиқ тўқувчи бирлашган. Улар барча соҳаларни ўз назоратларига олишган. Назоратчиларнинг актив ҳаракати билан бугдан фойдаланиш яхшиланди, пахтани иқтисод қилиш йўллари топилди. Бу соҳада киритилган таклифлар 500 минг сўмлик самара беряпти.

Актив жамоатчилардан А. Шералиева билан Г. Здрюмова қўл механизмини механизациялаш юзасидан конкрет таклиф билан чиқдилар. Натижада 10 ишчи кучи иқтисод қилинди. Бир қарашда бу оддий воқеадек туюлади. Лекин шу таклифнинг ўзи йил бўйи корхонага 15,5 минг сўмдан кўпроқ иқтисодий самара келтиряпти.

Назоратчилар ўтказаётган рейдларда кўпгина ишчилар иштирок этмоқдалар. Ўтган йили улар 120 дан ортиқ текширув ўтказиб, кўпгина нуқсонларни аниқладилар, камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар. Назоратчиларнинг актив ҳаракати билан янги йилнинг дастлабки ойлариданоқ корхоналар бир маромда ишлаяпти.

Лекин шу ўринда айрим корхоналардаги халқ контроли группалари ҳамон бўш ишлаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз. «Химчистка» фабрикаси кейинги пайтда табиий газни кўп исроф қиляпти. Корхонада йил давомида 436 минг куб метр газни иқтисод қилиб қолиш имкони борлиги аниқланган эди. Лекин фабрика раҳбарлари мавжуд иккита қозонни созлаб бир маромда ишлашни таъминламадилар. Бунинг натижасида кўплаб газ бехуда сарф бўляпти. Шундай аҳволни абразив буюмлари комбинатида ҳам кўриш мумкин. Комбинат бош инженери Ш. Камолов бу масалада район халқ контроли комитети томонидан огоҳлантирилган эди. Лекин у ишда ўзгариш ясамаяпти. Комбинат назоратчилари эса мавжуд аҳвол билан келишиб келмоқдалар.

3-гишт заводлари бошқармаси, 4-нон заводи, эксперименталь фурнитур-пластмасса заводи каби корхоналарда ҳам табиий газдан хўжасизларча фойдаланилмоқда. Моддий бойликни беҳуда исроф қилаётган, тежамкорлик режимига риоя этмаётган раҳбарларга нисбатан талабчанликни ошириш керак. Тежамкорлик — коммунистик ҳислат. Партия ва ҳукуматимиз бизни ҳар соҳада тежамкор бўлишга даъват этаяпти. Назоратчилар ўз текширувларида бу масалага доимо жиддий эътибор беришлари лозим. Ижл бошиданоқ хомашё, энергия ва ёнилғидан рационал фойдаланиш тадбирларини кўришимиз зарур.

Р. ПОДМАРЕВ,
Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси.



УСМОН НОРМАТОВ Тошкент инструментал заводида кўп йиллардан бери фидокорона ишлаб келаяпти. Моҳир фрезерчи қўлидан чиқаётган деталлар доимо юқори сифатли бўлади. Илғор ишчи ўз вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашаяпти. У бўш соатларида халқ контроли группаси аъзолари билан биргаликда рейд ва текширувларда иштирок этиб, йўл қўйилган нуқсонларни тугатишга ҳисса қўшмоқда. Суратда: ўн биринчи беш йиллик ҳисобига аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган фрезерчи У. Норматовни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотоси.

БУ САҲИФАДА:

- ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР — ХАЛҚ БОЙЛИГИ
- ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР
- ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША
- АВТОБУСНИ КУТА-КУТА...
- ЗИЛОЛ СУВЛАР ҚАНИ?

ТАНИШ НУСҲАЛАР

Қайга бормай учрар
танишим —
Кўпи софдил, меҳнаткаш,
сара.
Баъзисига келади ғашим —
Қилиқлари ёқмайди сира.
Бири ялқов, дағал, олифта
Меҳнат қилиш уят мисоли.
Бири эса савдогар — шилта,
Текин пулда доим ҳаёли.
Бири бўлса ётади уйда
Унинг учун хотини ишлар.
Кеч бўлдими кўча ё тўйда
Ичиб олиб кўрганни
муштлар.
Биттасига тушсамми ишинг
Чўз дегандай ишқайди
кафтин.
Бундайларга ғижиқлар
тишим,
Кўрмай дейман ҳаттоки
афтин.
Яна бири танийди фақат
Иш деганда урув-аймогин.
Бегонадан чўчийди ҳар вақт—
Тишлаб қолмай дея
бармоғин.
Шон-шуҳратнинг гадоси
бироз —
Мақтов билан амал бўлса
бас.
Эл ишига боқмайди бир
ров —
Телефондан қўли бўшамас.
Қайга бормай учрар
танишим —
Кўпи софдил, меҳнаткаш
сара.
Баъзисига келгандан ғашим
Саваладим аямай зарра.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ БЎЛСИН

Областимиз чорвадорлари маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Область бўйича сут етиштириш плани ўтган йили 101,8, гўшт етиштириш 104,7, тухум олиш эса 104,9 процент адо этилди. 1977 йилга нисбатан гўшт 1533,2 тоннага, сут 8770,1 тоннага, тухум эса 12.729 минг донага кўпайди. Ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 3254 килограмм сут соғиб олинди. Бу кўрсаткич 1977 йилдагига нисбатан 152 килограммга кўпдир.

Колхоз ва совхозлар моллар туёғини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган йили подалардаги моллар сони 2235 тага кўпайди, шу жумладан, сигирлар сони 2072 тага ошди.

Лекин ҳамма хўжаликлар ҳам чорвачиликни ривожлантиришда мавжуд бўлган резервлардан тўла фойдаланмаяпти. Ўтган йил якунлари бўйича 15 та колхоз ва совхоз 1718,4 тонна гўштни, 25 та хўжалик 3308 тонна сутни, 14 та хўжалик эса 15578 минг дона тухумни кам етказиб берди. Айрим районларда чорва қишловини намунали ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмади. Шу боисдан ҳам қиш мавсумида чорва маҳсулдорлиги маълум даражада пасайди.

Бўстонлиқ районидаги «Бўстонлиқ» совхози чорвадорлари сут топшириш бўйича давлат олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар. Улар ўтган йили сут сотиш планини оранг 62 процент бажардилар. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 45 килограммга камайиб кетди. Совхоз гўшт етиштиришда ҳам оқсамоқда. Топширилган молларнинг тирик вазни 334 килограммга тўғри келди. Бу область даражасидан 65 килограмм пастдир.

Кейинги йилларда совхозда бузоқ олиш ҳам камайиб бормоқда. Ўтган йили ҳар юз бош сигирдан 66 тадан бузоқ олинди. Янги туғилган молларни ҳисоб-китобдан ўтказиш қониқарсиз аҳволдадир. Шундай аҳволни райондаги «Ҳўжакент» совхозида ҳам кўриш мумкин. Совхозда ўтган йили сут сотиш плани бажарилмади. Давлатга 278 тонна сут кам етказиб берилди. Молларни боқиш ва уларни сақлаш қониқарсиз ташкил этилган. Шу боисдан ҳам чорва маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқда.

Область халқ контроли комитети мавжуд аҳволни муҳокама қилиб, ҳар иккала совхоз директорларининг бўшбосарлари Ўсаров ва Йўлдошевга қаттиқ виговор эълон қилди.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИГА ЯШИЛ ЙЎЛ

Область халқ контроли комитетининг ўтган йил июль ойида бўлиб ўтган мажлисида маҳаллий саноат корхоналарининг иши атрофлича анализ қилинган эди. Шундан сўнг область маҳаллий саноат бошқармаси халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва улар сифатини яхшилаш юзасидан қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширди.

Кўрилган тадбирлар туфайли бошқарма бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари ўтган йилда ортиғи билан бажарилди, қўшимча 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот савдо ташкилотларига етказиб берилди. Бошқарма корхоналарининг ҳаммаси зиммаларидаги топшириқни муваффақиятли бажарди.

Йилни маҳсулот бўйича планлар адо этилаётган бўлсада, аммо турлар бўйича топшириқлар ҳамон бажарилмай келиняпти. Кулолчилик буюмлари, сувенирлар, бадиий-ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда корхоналар оқсамоқда. Бошқарма маҳаллий ҳомашёдан фойдаланиш имкониятларини излаб топмаяпти. Ўтган йили маҳаллий ҳомашёдан бирорта ҳам буюм тайёрланмади. Айни пайтда маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ҳам кўп иш қилиш керак. Ўтган йили корхоналар 23 та рекламация олди. Браккa чиқарилган маҳсулотлар икки процентни, сорти пасайтирилган маҳсулотлар эса салкам 3 процентни ташкил этди. Сифатсиз маҳсулотлар етказиб берганлиги ва шартномани бузганлиги учун корхоналардан 18,5 минг сўмлик жарима ундириб олинди.

Область халқ контроли комитети мажлисида бошқарма корхоналари ишидаги нуқсонлар яна бир бор кўрсатилди. Бошқарма халқ контроли группасига халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш бўйича рейдлар ўтказиб туриш тавсия этилди.

УВОЛ ЭМАСМИ

Деҳқон пешона тери билан етиштирилган маҳсулотлар омборларда қандай сақланаяпти? Назоратчилар шуни билмоқ учун навбатдаги рейдга отландилар. Улар Ўрта Чирчиқ район тайёрлов конторасида бўлганларида 84 тонна шиёз қаровсиз уйилиб ётганлигини кўрдилар. Саралаш пайтида бу пиёзнинг 25 тоннадан кўпроғи фойдаланишга яроқсиз бўлиб чиқди.

Оржоникидзе район матлубот жамиятига қарашли сабзавот сақлаш омборида ҳам улар шундай аҳволнинг устидан чиқдилар. Омборда яшиклар бўлгани ҳолда пиёзлар ерга уйиб ташланган эди. Уз-ўзидан равшанки, мавжуд 50 тонна пиёзнинг бир қисми энди чиқитга чиқиб кетади. 11 тонна тарвуз, 5,5 тонна карам, 1,6 тонна қовун ҳам турган жойида ириб кетган. Бундай хўжасизлик давлатга 1111 сўмлик зиён келтирди. Олмалар ҳам сортларга ажратилмаган. Сақланаётган 30 тонна олманинг орасида яхшилари ҳам, ирганлари ҳам бор.

Оҳангарон тайёрлов конторасининг ходимлари ҳам сабзавот маҳсулотларини сақлашга ва уларни саралаб эл дастурхонига тақдим этишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. 3240 сўмлик сабзи саралаймай уйиб ташлангани учун ҳам чириб кетган. Энди улардан фойдаланиб бўлмайди. Картошкани ҳам шу аҳволда сақлашяпти. Саралаш пайтида унинг 40 тоннаси чиқитга чиқиб кетди.

Область халқ контроли комитети назоратчилари бошқа районларда ҳам текширув ўтказиб, шундай кўнгилсиз ҳолларни учратдилар. Социалистик мулкни сақлашга эътиборсизлик билан қараётган кишилар тегишли жазоларини олдилар. Қолган маҳсулотларни авайлаб сақлаш, пешма-пеш савдога чиқариш тадбирлари белгиланди.

ДОҒ ТУШМАСИН

ТАБИАТ уйғонмоқда. Баҳор нафаси сезилаяпти. Ариқ — анҳорлар четида кўкатлар сабза урмоқда. Гўзал Тошкентимизнинг кўркам боғ-роғлари, хиёбонлари, сув ҳавзалари ажиб манзара касб этаяпти. Лекин шоҳисўзанага чипта ямоқ деганларидек айрим жойларда озодаликка эътибор бермаслик туфайли кўчалар, сув шоҳобчалари ифлосланиб кетаяпти. Кишилар баҳра оладиган сув бўйлари ахлатхоналарга айланиб қолмоқда. Бундай жойлар эса гўзал шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушаяпти.

Масалан, Куйбишев районига қарашли Дарҳон маҳалласидаги Геологическая кўчасини бориб кўрсангиз ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Кўчанинг икки бетида шох-шаббалар, темир-терсак қалашиб ётибди. Лекин тегишли идоралар бунга етарли эътибор беришмайди.

Бу ҳам майли-я, Қуйлиқдаги Баротхўжа катта ариғини бир кўрсангиз эди. Илгари бу анҳордан фақат зилол сув оқарди, икки чети кўкаламзор, азим тут дарахтлар эса чор атрофга соя-салқин ташлаб турарди.

Ҳақиқатан бундан бир мунча вақт илгари Чирчиқ ўзанидан тортиб то қуйи оқимигача қуюқ дарахтлар бўлиб, кишилар ёзнинг иссиқ палласида ҳордиқ чиқаришар эди. Ҳозир эса бу ерни таний олмайсиз. 1-уйсозлик комбинати, шу атрофга жойлашган автокорхоналардан ҳар хил чиқинди сув ва ёқилғилар оқизилади. Бундан ташқари хонадонлардан ахлатни бу ерга олиб келиб ташлаш одат тусига кириб қолган.

Бир неча йилдирки, бир вақтлар ана шу жойларга кўрк бағишлаб турган Баротхўжа катта ариғи ахлатхонага айланиб қолган. Мазкур катта ариқ Лепин ва Ҳамза районлари территорияларидан ўтган. Лекин на у район, на бу район ободончилик бошқармаси ходимлари кўрсалар ҳам кўрмасликка олиб ўтиб кетадилар. Агар мазкур идора раҳбарлари мана шу катта ариқ бўйидан ўтиб қолгудек бўлсалар бир эътибор беришларини сўрайлик. Баротхўжа катта ариғи гўёки ёрдамга муҳтождек термулиб ётибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўркам ариқда зилол сув ўрнига чиқинди оқишида ана шу территорияга жойлашган турли корхоналар ҳам айбдордир. Наҳотки, шанбаликлар уюштириб, бу ерни тозалаб, чиройли жойга айлантириш мумкин эмас?!

С. КАРИМОВА.

РАССОМ ХАНДАСИ







Ярим автоматика.

Ҳийлакор олиб сотар.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

БАҲОР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Колхозимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира борибқишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш топшириқларини йил сайин муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Ўтган йили сабзавот сотиш планини 135 процентга бажардик. Ҳар гектар экин майдонидан 321 центнердан маҳсулот олдик.

Шубҳасиз бундай муваффақиятларга эришишда 57 нафар назоратчини ўз сафига бирлаштирган халқ контроли группасининг муносиб ҳиссаси бордир. Назоратчиларимиз перспектив план асосида рейд ва текширишлар ўтказиб боришди. Камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишди. Рейд ва текширишларнинг якунлари оммага билдириб борилди.

Колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам катта ҳирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда баҳорги экин экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Хўжалигимиз халқ контроли группаси 1979 йил кўкламги экин экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда колхоз правленияси партия ташкилотига яқиндан ёрдам бериш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқди.

Район партия комитети колхозимиз халқ контроли группасининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилда баҳорги дала ишларига тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорини ва бажариш бўйича белгиланган тадбирларини маъқуллади. Колхоз-совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларига бу тадбирни муҳокама қилиш ва шу асосда ўзларининг тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини юклади.

Тадбирларимизда колхоз учун зарур бўлган ҳамма уруғликларни тайёрлаш ва сақлашнинг аҳволини ўрганиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Шу кунларда бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда.

Кўкламги экин экиш кампаниясига зарур бўлган ҳамма қишлоқ хўжалик машиналарини 1 февралгача ремонтдан чиқарилишини босқичмабосқич текшириш планда аниқ кўрсатилган эди. Бунга амал қиляпмиз.

Халқимиз бўлиқ кўчат мўл ҳосилнинг асоси, дейди. Биз парник хўжалигида кўкарам, помидор ва бошқа сабзавот кўчатлари етиштиришни кузатиб боряпмиз. Парник хўжалигида қўшимча пост тузилган. Пост аъзолари барча ишларга кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Бундан ташқари ҳар 15 кунда бир маротаба рейд ўтказилиб, унинг натижалари масаланинг моҳиятига қараб колхоз правленияси, партия комитети, парник бригадаси аъзолари ўртасида муҳокама қилиб борилмоқда.

Ҳалқ олдимизда катта ишлар турибди. Ҳар бир гектар ерга тўлиқ кўчат экилишига эришишимиз зарур. Бундан ташқари экин экиладиган майдонларнинг сифатли ишланиши, майдон чекаларида ортиқча жойлар қолдирилмаслиги зарур. Уруғ ва кўчатларни агротехника қоидалари асосида экишни тез-тез текшириб борамиз.

Тузган тадбиримизнинг 5-пункти бўйича ер ҳосилдорлигини оширишнинг асосий гарови ҳисобланган маҳаллий ва минерал ўғитларни тайёрлаш, экин майдонларига ташиб чиқаришни мунтазам равишда назорат қилиб бориш, колхоз бўйича ҳар бир гектар ерга ўрта ҳисобда 50 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш ҳақидаги топшириқни бажариш йўлида бригадаларда олиб борилаётган ишларни ҳар 10 кунда текшириб боряпмиз.

Жамоат чорвачилиги учун ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, мавжуд беда майдонларига сифатли ишлов бериш, дон ва силос учун экиладиган жўхори майдонларини экишга тайёрлаш ва етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда сифатли қилиб йиғиб олиш ҳам назоратчиларимиз олдига қўйилган вазифалардан биридир.

Тузилган тадбиримизда 1979 йил мўл ҳосили учун курашнинг барча соҳалари қамраб олинган. Халқ назоратчилари ўтказган рейд ва текширишлар натижаси «Ташвишли сигнал», «Яшин» назоратчиларининг деворий газеталарида акс эттириб борилади. Халқ назоратчилари олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан адо этиш учун бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар.

И. АББОСОВ,
Калинин районидаги «Москва» колхози халқ контроли группасининг раиси.

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

МИРРИХ САЙЁРАСИ СИНОВНИ ТЎХТАТДИ

Репродуктордан босиқ ва салобатли овоз тарқалади:

— Миррих сайёрасидаги Ерни кузатиш пунктидан гапиряпмиз. Бугун сменадаги илмий группа эрта тонгдан транспорт ҳаракатини кузатади. Аввалги группа КР-1,3 объективида умумий куватишлар олиб борган эди. Кўчаларда қандайдир булутсимон нарсалар кўринган. Кучли ОР-1,9 объективида кузатилсин.

— Биринчи пульт тайёр!

— Иккинчи пульт тайёр!

— Учинчи пульт тайёр!

Пульт пештахтасида ёзувлар пайдо бўла бошлади. Тошкент. Тонг отмоқда. Транспорт ҳаракати тун чодирини йиғиб олмаёқ бошланди. Трамвай-троллейбус ҳаракатида уюшқоқлик сезилмоқда. Метро ичини сайёрадан кузатиб бўлмади. Шунга қарамай радиотўлқинлар метро хизмати анча такомиллашганини кўрсатмоқда.

— Автобус хизмати кўпроқ кузатилсин. Транспорт ҳаракатининг икир-чикирлари, ташкилий томонлари ҳам ўрганилсин, — топшириқ берди марказий пульт.

— Биринчи пульт гапиради: кун ёришгач айрим воқеалар аниқлаша бошлади. Кўчаларда пайдо бўлган «Булутча»лар бу автобус кутаётган одамлар экан. Автобус бекатга келган-кетганда ўша қорамтир тўп ҳаракатга келиб турган. Айрим маршрутларда 40—50 минут оралиқда биронта ҳам автобус келмаяпти.

— Иккинчи пульт гапиради: эрта тонгдан ғилдираги айланадиган ҳамма автобуслар автопаркдан маршрутга чиқариляпти. Бу жуда ибратли. Лекин уларнинг бир қисми ярим йўлдан, айримлари бир маротабагина маршрутга бориб келгач яна автопаркка қайтиб кетаяпти.

— Ажабо, сабаби нима экан? Еки одамлар иш жойларига етиб олишгач маршрутдаги автобуслар камайтирилдимикан? — сўради марказий пульт.

— Асло, ундай эмас. Тушуниш анча қийин бўлди. Лекин аниқладик. Барча автобазаларда мусобақанинг йигирмадан ортиқ шартлари бор. Улар бажарилса, мукофот берилади. Шу шартлардан бири ҳар бир автопаркдан кўпроқ автобусни маршрутга чиқариш экан. Лекин автобуснинг халққа нафи тегмай қайтиб келиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Учинчи пульт, техника ремонти қай даражага қўйилганлиги ҳақида ахборот беринг.

— Автобазаларнинг техника базаси яхши. Замонавий бинолар, асбоб-ускуналар бор. Бироқ, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Лекин шу ерда бир-бирига қарама-қарши ҳаракатлар бор. Бир неча кундан бери бузилиб ётган автобуслар эрталаб паркдан чиқарилади-ю, лекин кўп ўтмай у яна жойига қайтиб киради. Худди шу автобус учун керак бўлган эҳтиёт қисм омборда бор. Бироқ, омборчи уни кўрсатмайди. Бошқа автопаркдан келган шофёр худди шундай камчил деталларни ўраб-чирмаб олиб кетди. Кузатишлар давом этмоқда.

— Биринчи пульт назбатдаги вазифани қандай бажарди? — сўраб қолди марказий пульт.

— Транспорт ҳаракатини текшириш талаб даражасида қўйилмаган. Аниқланган белгиларга қараганда автобусларда айрим пайтларда билет сотилмайди ва йўловчилардан йиғилган пул давлатга ўша куни топширилмайди. Бунинг сири ҳали аниқланганича йўқ. Масалан, Тўйтепа—Инқилоб хиёбони маршрутида қатновчи 43—49 ТШМ номерли ПАЗ-62 автобус шофёри пассажирларга билет сотмай пул йиғиб олди. Оҳангарондан Олмалиққа томон йўлга чиққан 78—85 ТШД номерли автобусга 8 пассажир билетсиз чиққан. Бундай мисоллар жуда кўп. Ҳаммаси қайд этилмоқда. Молия интизомининг тез-тез бузилаётганлигига қарамай контролерлар етарли даражада иш олиб боришмайди.

— Тошкент авторанспорт ҳаракатини кузатиш синовлари тўхтатилсин, — топшириқ берди марказий пульт.

— Ҳужжатлар устига Тошкент транспорти тажрибасини ўрганиш картотекаси ҳисобдан олиб ташланади, деб ёзилиб, ташкилий бўлимга топширилсин.

Начора, Миррих сайёрасидаги планетералараро кузатиш пунктидан ерни кузатиш сеанси фавқулодда тез тугаши муносабати билан репортаж ҳам қисқаради. Лекин бу ўринда тушунтириш тексти ҳавола қилинади.

Ҳайрият, Миррих сайёраси узоқ бўлганлиги учун транспорт ҳаракатидаги айрим воқеалар бегона кўзга чалинмади. Лекин «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», дейишади. Кузатув пунктининг ҳамма ҳужжатлари тасдиқланди. Ўн бир ой ичида область пассажир ташиш трестининг 12 автохўжалигида 112,3 минг марта автобус ва енгил такси машинасининг бевақт паркка қайтиб киргани аниқланди. Яхшиямки, область пассажирлар ташиш транспорти трестидаги қулоқ эшитса илон пўст ташлайдиган кўнгилсиз воқеалар ўзимизга аён бўлиб қолди. Назоратчилар текширган кунда рейсга чиққан 569 автобуснинг асосий қисми пассажир ташиш талабига жавоб берманг. Шу жумладан, 38 автобусда худди болалар хоммомпиш ўйнаганга ўхшайди. Ҳаммаёқ ифлос, чанг-чунг. 126 машина бузуқ двигатель билан йўлга чиққан. Пассажирларнинг сабрига қойил қоласан! Текширувда 250 автобусда спидометрнинг нотўғри ўрнатилганлигини, 149 тасида ўт ўчириш ускунаси, 75 тасида аптечка йўқлиги, 33 тасида ўриндиқлар синган, сўриларини, 90 тасида радиоаппаратура ишламагани, 15 тасида ойналарнинг яримта-юримталиги аниқланган. Лекин трестдаги ўртоқлар вазминлик билан автобусларнинг тўкислари ҳам бор, дейишмоқда. Бизнингча, область пассажирлар ташиш транспорти трести раҳбарлари текширув якунларини дўппини ёнга қўйиб бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Б. ПЎЛАТОВ.



Улуғ Ленин даҳоси
Порлагай йўлингизда.

Порлоқ қуёш навоси —
Келажак қўлингизда.

Ўсинг ўйнаб, шод-хурсанд,
Бўлинг элга зўр фарзанд.

А. Абалян фотолари.

ЮБИЛЕЙГА
НАШРИЁТ ТУҲФАЛАРИ

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУ йил ёзда ўзбек совет маданияти тарихида, республикамиз ҳаётида катта воқеа — ўзбек совет адабиётининг асосчиси, Улуғ Октябрь инқилобининг минбар — шоири, драматург, музика арбоби, пролетар оммасининг маърифат тарқатувчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллиги бўлиб ўтади.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ана шу хотира кунига бағишлаб, ажойиб сўз устозининг ижодий ҳаёти тўғрисида қатор китоблар, брошюралар, плакатлар, альбомлар нашр этади. Биринчидан, бу безакли нашр туҳфалари орасида шуни айтиш керакки, шоирнинг бой мероси қамраб олинган икки жилдлик танланган асарлари ўзбек тилида чоп этилади. Унинг биринчи жилдига шоирнинг шеърлари, иккинчи жилдига эса пьесалари киритилади.

Ҳамзанинг рус тилида ҳам икки жилдлик асарлари чиқарилади.

Маълумки, Ҳамза Ҳакимзоданинг «Яша Шўро» шеъри қўшиқ сифатида ҳам кенг оммага орасида машҳур. У қардош СССР халқларининг 15 тилига таржима қилинган ҳолда алоҳида китобча қилиб чиқарилади. Ҳамза ҳақидаги эсдаликлар катта ҳажмда тайёрланган. Ҳозир бу китоб босиб чиқарилиш арафасида. Унга ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, режиссёрлар, артистлар, ўқитувчилар — шоирни яқиндан билганларнинг, у билан бирга маданий қурилишнинг турли жабҳаларида ишлаганларнинг, ҳамкасблари ва шогирдларининг хотиралари киритилган. Улар ўз эсдаликларида гражданин, ватанпарвар — интернационалист, партиянинг биринчи чақириғи билан оқ социалистик қурилишнинг энг қийин жабҳалари бўйлаб ўтган Ҳамза — Инсоннинг ёрқин портретини чизишган. Дарҳақиқат, Ҳамзанинг ҳар бир қадами — бу янги маданият учун, янги турмуш учун, Совет давлати учун курашдир.

«Бизнинг халқимиз азалдан қўшиқ билан ошна,— деб ёзади атоқли адиб Ойбек,— Ҳамзанинг қўшиқлари эса халқ қалбида туғилгандек, халққа яқин ва тушунарлидир. Унда она табиатнинг гўзаллиги, тоғ булоқларининг тиниқ оқиши, халқ қалбининг буюклиги мавжуд. Ҳамза яратган оҳанглар кишини сеҳрлайди ва ҳаяжонга солади. Озодлик учун, халқнинг ёрқин келажаги учун курашган инқилоб жангчилари куйлаган Ҳамзанинг революцион қўшиқлари унутилмасдир».

«Яша тарихий даврда, В. Маяковский, Д. Бедний ва бошқа йирик шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлини излаган кезда Ҳамза ўз миллий адабиётида ана шу йўлни қўрқмасдан танлади»,— дея рус совет поэзиясининг оқсоқоли Николай Тихонов Ҳамзани совет поэзиясининг байроқдорлари сафида кўради.

Озарбайжон ёзувчиси Мехти Ҳусайн шоир ҳақида ҳаяжонланиб шундай ёзади: «Ҳамза Ҳакимзода — ўзбек совет маданиятининг асосчиларидан бири.

Йўлбошловчи бўлиш фахрли ва шу даражада қийин, халқ ҳаётида туб ўзгариш рўй бераётган пайтда, революцион кураш кетаётган шароитда йўлбошловчи бўлиш эса икки баравар қийиндир. Бу фақат энг жасурлик ва довюраклик кучи орқали амалга ошади. Ҳамза Ҳакимзода янги даврнинг худди шундай ботири бўлиб қолди. У шоир, драматург, музикачи, режиссёр, янги турмуш учун кўрқмас курашчидир. Шу сабабли унинг шарафли номи билан ҳозир ҳам фахрланамиз».

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чиқарилаётган ажойиб нашрлардан яна бири Абдулла Ҳатамовнинг «Ҳамза Шоҳимардонда» китобидир. Бу асар айниқса, шунисн билан бебаҳоки, Ҳамзанинг буюк ишчанлиги ва энтузиазмини жонли ҳужжатлар орқали кўз олдимизда гавдалантиради. Муаллиф ёш Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғи — Шоҳимардонда олиб борган шоирнинг улкан ташкилотчилик фаолияти ҳақида, совет давлати душманларига қарши мардларча ва қаҳрамонона кураши борасида ҳикоя қилади.

Шунингдек, филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмовнинг «Ҳамза» монографияси ҳам нашр этилади. Бу монографияда ўзбек совет адабиётининг асосчиси, музикачи, театр ташкилотчиси, маърифатпарвар устознинг ўзига хос таржимаи ҳоли бадиий тарзда кўрсатиб берилади.

Яна бир китоб. Чоққина: у гугурт қутисидан бирозгина каттароқ. Бу — «Инқилоб фарзанди» тўплами. Тўпламга совет мамлакатининг таниқли ёзувчиларининг ўткир сўзлари жамланган, шунингдек, унга инқилоб куйчисига бағишланган шеърлар, поэмадан парчалар киритилган.

Шак-шубҳасиз, кенг ёзувчилар даврасининг эътиборини «Ҳамза» номли альбомнинг нашр этилиши жалб этади. Ундан бизгача сақланиб келинаётган ва шоирнинг азиз образини тўлдирувчи 230 дан зиёд сурат, шоир китоблари нашрининг ўнлаб фотонусхалари, театрлар саҳналаштирган асарлар афишаси, ёдгорлик жойларнинг фотосурати, Ҳамза ҳақидаги ва унинг асарлари мавзусига чизилган рассомларнинг расмлари ўрин олган. Альбом ёзувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг кириш мақоласи билан очилади. Шунингдек, ҳамзашунос олимлардан М. Раҳмоновнинг «Ҳамза ва театр», Д. Рашидованинг «Музика маданияти арбоби», А. Умаровнинг «Ўзбекистон рассомлари ижодида Ҳамза образи», М. Капустининг «Шоир қалби дунё кезар» мақолалари ҳам киритилган.

Ўйлаймизки, бу нашрлар китобхонларга муносиб совға бўлади. Ҳамза қўшиқлари ўлмасдир. Унинг кўп қиррали жанговар ижодига қизиқиш ҳамиша ўсиб бораверади. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ёшларни тарбиялайди, барча янгиликлар учун, илғорлик учун курашга ўргатади. Шоир умрининг жасорати бизнинг давримизни ёритмоқда.

Раим ФАРҲОДИЙ,
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бош редактор ўринбосари.

ЙЎЛЛАРИМИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Шу йил 1 мартдан мамлакатимизда Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ҳамма ерда бўлгани каби пойтахт области Давлат автоинспекцияси ходимлари ҳам ойликка катта тайёргарлик билан келишди. Серқатнов жойларга, чорраҳаларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид транспарант ва шиорлар ўрнатилган. Аҳоли ўртасида оммавий пропаганда воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Автоинспекция ходимлари йирик автохўжаликларда бўлишиб, шоферлар билан суҳбатлар ўтказишяпти, техник нуқсон билан йўлга чиқиш нақадар оғир оқибатларга олиб келишлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқдалар.

Афсуски ҳали ҳам ҳаракат қоидаларига риоя қилмайдиган шоферлар учраб турибди. Айниқса чекка жойларда трактороператорлар прицепларда одам ташиш ҳоллари содир бўлмоқдаки, бунга мутлақо чек қўйиш керак. Ана шундай қоида бузган шоферларнинг эмас, балки хўжалик раҳбарлари, гараж мудирларини ҳам жазолаш керак.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган кўрик ва ойликлар сўзсиз катта самара бермоқда. Кўнгилсиз ҳодисалар кескин камаймоқда. «Тезлик», «Диққат болалар», «Фара» ва бошқа операциялар ўтказиш одат бўлиб боряпти.

Ҳаракат хавфсизлиги кўриги давомида айниқса болалар ўртасида ўтказиладиган тадбирлар аҳамиятлидир. Давлат автоинспекцияси ходимлари область халқ маорифи бўлими, соғлиқни сақлаш ва маданият бўлимлари ҳамда область комитети билан биргаликда кенг жамоатчилик иштирокида болалар ўртасида бир қатор профилактик тадбирлар ўтказиш мўлжалланган.

Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Тошкент, Бўка, Пискент ва бошқа районлардаги давлат автоинспекцияларининг ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда бошладилар. Областимизнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам ойликни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилаётган давлат автоинспекцияси ходимлари бу йил ҳам республикада энг олдинги ўринларнинг бирини эгаллаш ниятидалар.

А. АЗИМОВ,
Тошкент область давлат автоинспекцияси ходими, милиция лейтенанти.

ТОҒЛАР ҚАНДАЙ „ЎСАДИ“


Шу минг йиллик мобайнида Тянь-Шаннинг ғарбий ён бағирларидаги Супетов массиви ҳар йили 18 сантиметрдан «ўсиб» турган. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг олимлари тоғларнинг ўсиш тезлигини илк бор ўлчашга муваффақ бўлдилар.

Бу ишлар археологлар тоғлар орасида қолиб кетган қадимги кончилар қишлоғини топганларидан кейин бошланди. Вайрона иморатлар тик жарлик тепасида жойлашганди. Тадқиқотчилар сопол парчаларига қараб, бу ерда одамлар IX—X асрларда яшаганлигини аниқладилар. Шундай экан, улар қоялар ўртасидаги шу кичик майдонда ўз хўжаликларини қандай юритган эканлар?

Шу саволга жавобни излашга геологлар қўшилдилар. Шунда бундан минг йил аввал бу қишлоқ қоялар орасида қалдирғоч уясидек жойлашмаган бўлиб чиқди. Одамлар деҳқончиликка ярайдиган ери бўлган тоғ этагида яшаганлар. Актив тектоник жараёнлар шу жойни минг йил мобайнида қарийб 200 метр баландликка кўтарган. Ер бағрининг активлиги кишиларни қишлоқни ташлаб кетишга мажбур қилган бўлса керак.

Ҳозир Супетовда тафсилий топографик съёмка ўтказилди. Олимлар тоғ системасининг бундан кейинги режимини ва ўсиш суръатларини аниқлаб олишмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).



Пойтахтимиздаги Митрофанов номли сув спорти саройида ватерполчиларнинг мамлакат чемпионати иккинчи давра ўйинлари бўлиб ўтди. Суратларда: «Меҳнат» командамизнинг Олмаота динамочилари билан бўлган учрашув пайтлари акс эттирилган.

Л. Гусеинов фотолари.

Спорт

БОШ СОВРИН МЕҲМОНЛАРДА

Бугун «Пахтакор» стадионида ўсмирлар ўртасида IX халқаро футбол турнирининг ғолиби аниқланади. Бош соврин учун Германия Демократик Республикаси Федератив Республикаси командалари финалда куч синашадилар. Бу икки команда ўз гуруппаларида биринчи ўринларни эгаллашди. ГДР футболчилари бутун турнир давомида мағлубиятга учрамаган ягона команда ҳисобланади. Улар икки ўйинда ғолиб келиб, икки ўйинни дуранг қилдилар. ГФР футболчилари ҳисобида ҳам 6 та очко бор. Лекин улар Украина командаси билан бўлган учрашувда 2:4 ҳисобида енгилишиб, қолган уч ўйинда ғолиб келишди.

Саралаш ўйинларининг сўнгги кунида СССР-1 командаси билан Чехословакия футболчилари ўртасида бўлган учрашувда ҳисоб очилмади. ГФР командаси эса Финляндия футболчиларини 3:1 ҳисобида енгиб, «А» группасида биринчи ўринни олди.

«Б» группасида пешқадамлик қилаётган ГДР футболчилари финалга чиқишлари учун сўнгги ўйинни дуранг қилсалар кифоя қиларди. Шундай ҳам бўлди. Венгрия командаси билан бўлган учрашувни натижасиз дуранг қилиб, группа ғолиби бўлишди.

СССРнинг иккинчи терма командаси РСФСР футболчиларини 2:0 ҳисобида енгиб, Ўзбекистон футболчилари билан тенг — 5 тадан очко тўплашди. Тўплар нисбати ҳам СССРнинг иккинчи командасида яхши. Лекин бу икки командани нинг ўзаро учрашувида Ўзбекистон футболчилари ғолиб келишганлиги сабабли мусобақа низомига кўра вакилларимиз группада иккинчи ўринни эгалладилар ва ҳал қилувчи учрашувда СССРнинг биринчи терма командаси билан умумий учинчи ўрин учун курашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

IX халқаро футбол турнири қатнашчиларининг группалардаги саралаш ўйинларидан кейинги турнир жадвалидаги аҳволи билан танишинг:

«А» группаси

Командалар	У.	Т.	О.
ГФР	4	8—6	6
СССР-1	4	6—3	5
Чехословакия	4	2—2	4
Украина	4	7—7	4
Финляндия	4	1—6	1

«Б» группаси

ГДР	4	5—1	6
Ўзбекистон	4	4—2	5
СССР-2	4	4—1	5
Венгрия	4	1—2	4
РСФСР	4	0—8	0

Ўзбекистон футболчилари ўсмирлар ўртасида ўтказиб келинаётган халқаро турнирларда 1974 йили финалда СССРнинг биринчи терма командаси билан учрашганди. Бунда асосий вақтда ҳам, қўшимча берилган вақтда ҳам ҳисоб очилмаганди. Мамлакат терма командаси 11 метрлик жарима тўплари киритишда 5:4 ҳисобида ғолиб келиб, биринчи ўринни олган эди. Республикамиз футболчилари иккинчи бўлган эдилар. Бундан ташқари тошкентлик футболчилар ўтган йили ўтказилган турнирда Эрон командасини 1:0 ҳисобида енгиб, учинчи бўлишганди.

Шундай қилиб бугун ГДР—ГФР командалари, ҳамда СССР-1 ва Ўзбекистон футболчилари ўртасида бўладиган ўйинларни мухлислар катта қизиқиш билан кутишмоқда.

15 мартда эса «Пахтакор» стадионида СССР ўсмирлар терма командаси УЕФА турнири саралаш матчида Венгрия командаси билан учрашади. Бу командаларнинг ўтган йили Будапештда бўлган биринчи ўйинида ҳисоб очилмаган эди.

Ш. УМУРЗОҚОВ,

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

БЎКА РАЙОН МАРКАЗИДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Пойтахт областининг Бўка район марказида йирик медицина комплексини қуриш ниҳоясига етди. Тўрт қаватли типовой бинода бир кунда 500 бемор қатнайдиган поликлиника, кўпгина процедура кабинетлари, 240 кишига мўлжалланган район марказий касалхонасининг бўлими жойлашди. Комплекс составида «тез ёрдам» хизмати, кўпгина ёрдамчи хоналар бор. Марказий касалхона яқинида 650 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг уч қаватли биноси қад кўтарди. 1100 дан зиёд ўринли тўрт қаватли мактаб биноси, уч қаватли маданият саройининг қурилиши ҳам битай деб қолди. Янги қурилишлар орасида стадион, ошхона, шинам уй-жойлар бор. Бу ерда жами ўн иккита маиший ва маданий объект барпо этилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАР ТЎҒРИДА

ҒАЛАТИ ҚОМУС

АНГЛИЯДА гайриоддий қомус нашр этилди: унда ҳозиргача илм-фан ҳал қилолмай келаётган мураккаб масалалар тўғрисидаги маълумотлар жамланган. Масалан, унда «Галактика — юлдузларнинг улкан туркумлари қандай таркиб топган?», «Хотиранинг ўзи нима?» ва ҳоказо муаммолар тўғрисида фактлар келтирилган. Қомусдаги мақолаларни номи дунёга машҳур олимлар, Нобель мукофоти лауреатлари ёзишган.

ИККИ БОСҚИЧЛИ ПАРАШЮТ

БУНДАН бир қанча йил муқаддам АҚШда учалик катта бўлмаган баландликдан юкларни ерга тушириб олишни осонлаштириш мақсадида икки босқичли парашют ғояси яратилди. Бундай парашют самолётдан ажралгач, инерция бўйича олдинга ҳаракат қилади. Бу вақтда биринчи парашют ҳаракатини тўхтатиб, тахминан 100 метр баландликда кўтарилиб туради. Бу баландликда иккинчи парашют очилиб, юкни ерга қўндиради.

Жуда кўп тадқиқотларда бу усул жуда қулайлиги, ҳатто самолётлар ва космик кемаларнинг экипажларини қутқаришда қўл келиши маълум бўлди. Яқинда икки босқичли парашют дастлабки синовдан ўтказилди. 1000 километр тезлик билан учиб бораётган самолётдан бир тоннага яқин юк ташланганда у 9 секунд ичида ерга тушди.

«ТУЯ — АВТОБУС»

ПАРИЖДА парижликларнинг ўзлари «туя» деб атаган икки автобус синовдан ўтказилмоқда. Улар туя сингари ичмаслиги юрмайди, йўқ — автобуслар тезлиги юқори даражада, аммо бекатга етиб келганида худди туяга ўхшаб ерга «чўкади», бу эса йўловчиларнинг автобусга чиқиши ва ундан тушиши учун енгиллик туғдиради. Бундай «туя-автобус»ларни 1985 йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

«ГАПИРУВЧИ» КОПТОК

ТЕННИС ёки гольф ўйини ишқибозлари коптокчанинг кортдан узоққа сакраб кетишини ёқтиришмайди, негаки кўпинча уни қидиришга тўғри келиб қолади. Шотландиялик инженерлар бу ноқулайликни бартараф этишга қарор қилиб, ичига мўъжаз радио тўлқини узатиш мосламаси ўрнатилган коптокча ишладилар. Бундай коптокчани топиш осон — унинг ўзи қаерда эканлигини «айтиб» туради.

Реклама ва эълонлар

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9 МАРТ СОАТ 19.00 да
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
Ҳолисхон ҚОДИРОВА, Вилоят ОҚИЛОВА
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ғулом ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Қўзибой ОТАЖОНОВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Лола ЮСУПОВА.
VI Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломантлари Тоҳир ЮСУПОВ ва Нарзиддин ШЕРМАТОВ.
Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — республика чолғучилар конкурсининг лауреати Ҳамид ИСМОНОВ.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

6—7 МАРТ СОАТ 19.00 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН «А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ГРУППАСИДАГИ «МОЛОТ» (Пермь) — «БИНОКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент давлат циркида
7 МАРТДАН БОШЛАБ
Совет цирки усталарининг янги программаси
ҲИНДИСТОН СЕҲРГАРЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ АЪЗОСИ
АНАТОЛИЙ ФУРМАНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ
ИЛЛЮЗИОН РЕВЮНИНГ
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
ТУРКМАНИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ Дурди АННАЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ТУРКМАНИСТОН ИГИТЛАРИ»
РСФСРда хизмат кўрсатган артист, таниқли масхарабоз КОНСТАНТИН БЕРМАН РАҲБАРЛИГИДАГИ МАСХАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ ДОИМО МАНЕЖДА.
Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12, 16 ва 19.30 да бошланади.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.
44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

«ЎЗБЕКҲЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги ТОШКЕНТ ШАҲАР 95-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: универсал токарь, фрезерчи, электр-газ пайвандчи, автослесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, штампларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-асбобсоз.
8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 1—2 йил.
Ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кундалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.
Билим юрти ҳузуридаги кечки-сиртқи ўрта мактаб ишлаб турибди.
Билим юртини битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.
Билим юртида спортнинг кураш, самбо, футбол, волейбол, картинг турлари бўйича секциялар; фото, техника ижоди, ёғочга ўйиб гул солиш тўгараклари, вокал-инструментал ансамбли ишлаб турибди.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.
Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (4-автобуснинг «Дружба» кинотеатри» бекати). Телефон 66-85-85.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.35 — «Оловли йўллар». Телевизион бадиий фильм. 1—2-серийлар. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 15.45 — Асл йигитлар. 16.25— Ўсмирлар учун музикали кечалар. 18.10 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 18.40 — Биз сен билан биргамиз, ўртоқ! Фильм-концерт. 19.05 — «Оловли йўллар». Телевизион бадиий фильм, 3-серия. 20.10 — Дунё воқеалари. 20.25 — «Оловли йўллар». Телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Спартак».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун телефильмлар. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — «Яша, Шўро!». 16.00 — Футбол бўйича тўққизинчи халқаро ёшлар турнири. 1 ва 2-ўринлар учун ўйин. Турнирнинг тантанали ёпилиши. 17.45 — Мультфильм. 17.55— Камалак. 18.25 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигига. Ҳужжатли фильм. 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.20 — Шопениана (бир саҳнали балет). 20.00 — Инсон болаликдан бошланади. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ва солистларининг концерти. 21.30—«Вақт». 22.05 — Чорвачилик — зардор фронт. 22.25 — «Наташахоним». Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/III да Катта концерт (11.00, билетлар сотилган), Севилья сартароши (19.00), 8/III да Катта концерт (12.00, 19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да Фарҳодлар, 7/III да Олтин девор, 8/III да Келинлар кўзғолони (11.00), Уйланиш (15.00), Кўрмайин босдим тиконни (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/III да Концерт (19.00), 7/III да Тошкентнинг нозанин маликаси (19.00), 8/III да Йиллар ўтмо.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН кўчаси, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750
БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325757. совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01834. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2347.